

Бокиралик пардасини тикиш

21:16 / 24.04.2016 8733

Савол: Дугонам ёмон йўлларда юриб қизлигини йўқотди. Лекин қилган ишларига пушаймон бўлиб, рост тавба қилди. Энди у ўзи ва оиласининг шаънини сақлаб қолиш учун бокиралик пардасини тикласа бўладими?

Жавоб: Зино ёки бошқа фаҳш ишлар сабабли қизлигини йўқотган қиз пардасини тиктириши жоиз эмас. Бу алдов ва фирибгарлик, авратларни очиш, ёмонлик ва фасод эшикларини очишдир. Бундай қилиш қизларни зинодан ҳайиқмаслигига сабаб бўлади. Шаънни ҳимоя қилиш бировнинг ҳисобидан бўлмаслиги керак. Зеро фуқаҳолар айтганидек, зарар зарар билан кетказилмайди. Балки бу тўғрида ростлик вожибдир. Дунёдаги маломат қиёмат кундаги гувоҳлар олдидаги шармандагарчиликдан енгилроқдир.

Инсоннинг адашиш ва залолатидан тўхташи, Аллоҳ таоло томон қайтиши ва рост тавба қилиши мақтовга лойиқ, яхши ҳол. Лекин масалага жоиз эмас деб жавоб қилинишининг сабаблари бор.

Жумладан;

- 1) Бокиралик пардасини тиклаш баъзида насаблар аралашиб кетишига олиб боради. Чунки аёл тиклашдан олдинги жимоъдан ҳомиладор бўлиб қолган бўлиши, шундан сўнг турмушга чиқиб туғиши мумкин. Табиий эри бу болани фарзанди деб ўйлаб, ҳалол ҳаромга аралашиб кетади.
- 2) Бокираликни тиклаш жараёнида аврат, сир очилиши каби мункар ишларга йўл қўйилади.
- 3) Бокираликни тиклаш иродасиз ва ахлоқи бузуқроқ қизларга зино гуноҳини қилишдан тап тортмаслигига боис бўлади.
- 4) Манфаат ва фасод бир бўлиб қолганда, манфаатни ҳосил қилиш ва фасодни тўсишнинг тенг иложи бўлса, шундай қилинади. Аммо манфаатни ҳосил қилишда фасодни тўсиш имконсиз бўлса ва фасод манфаатдан кўра катта бўлса, фасод тўсилади, манфаат қўлдан чиқаётганига қаралмайди. Ислом фуқаҳолари шундай қарор қилишган. Шу қоидага татбиқан бокираликни тиклаш ва у сабаб бўладиган фасодлар кўплиги боис, унинг ножоиз эканига ҳукм қилдик.

5) Ислом шариати қоидаларига кўра зарар зарар билан кетказилмайди. Масалан ерига келаётган селдан қутилиш учун уни бировнинг ерига буриб юборилмайди. Худди шунга ўхшаб қиз ва унинг аҳлининг шаънини ҳимоя қиламан деб, уни оладиган эрининг шаъни ерга урилмайди.

6) Бокираликни тиклашнинг асли ўзи ношаръий ишдир. Чунки бу ишда алдов ва фириб бор. Бундай ишлар эса шаръан ҳаромдир.

7) Бокираликни тиклаш унинг кетиш ҳақиқатини яширишгани учун қиз ва унинг аҳлига ёлғон эшикларини очади. Ёлғон ҳам шаръан ҳаромдир. Бокираликни тиклаш амалиёти қиз шаънини сақлаб қолиш иддаоси билан тиббиёт ходимларига аборт ва бола тушириш амалиётларини оқлашларига боис бўлади. Босқинчилик ёки зўрлаш туфайли бокиралиги кетган қизларнинг ҳолини яшириш ва шаънини ўйлаш эса шаръан матлуб. Чунки бунда муҳаққақ манфаатлар бор ва уни эътиборга олинади. Аммо бокираликни тиклашда манфаатдан кўра зарар ва фасодлар кўплигини эса юқорида кўриб чиқдик.

Валлоҳу аълам.

Мубашшир Аҳмад тайёрлади